

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ**



**2022й**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фаргона – 2022**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.11.2022й. кунги ПК-408 сонли қарори ижроси бўйича махалла шароитини яхшилаш максадида Ўзбекистон т. Ислом МФЙ худудида электр курилиш монтаж ишларини бажариш учун Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихасини бажариш хизмати.

1.2. Танлов қиймати 1 900 000 (Бир миллион тўққиз юз минг) сўм.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати—аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. «**ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ**» АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фаргона шаҳар Кувасой куча 74-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов «**ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ**» АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишта ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги молиявий хамда малакавий талаблар қўйилиб таклифлар қўйидаги баллар асосида 10 баллик тизим билан баҳоланади.

**А)**Молиявий фаолият бўйича. (Бухгалтерия баланси – Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот -2021 йил ва 2022 йил 1 ярим йиллик якуни бўйича учун солик органларига топширилганлиги бўйича тасдиқланган холатда Кафолат хати.

**Б)**Ишчи ходимлари тўғрисида маълумоти.

Ишчи ходимларини тасдиқланган рўйхати

Мехнат ресурслари базаси [my.mehnat.uz](http://my.mehnat.uz) билан интеграция қилинган ишчи ходимларининг тасдиқланган маълумоти.

**В)** Корхона тўғрисида умумий маълумот.

Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома, корхона низоми.

Якуний бенефециар тўғрисида тасдиқланган маълумот.

**Г)** Иш тажрибаси.

Соҳага оид бажарилган ишларнинг тасдиқланган рўйхати.

**Д)** Каррупцияга қарши курашиш буйича ариза.

Танлов иштирокчилари каррупцияга қарши курашиш буйича аризани тасдиқланган холатда “Фаргона ХЭТК” АЖ танлов комиссиясига электрон холатда тақдим этишлари шарт.

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

● Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар дойрасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва яқуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

● Техник хужжатлар 3.2. банд бўйича тасдиқланган хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш 3.2. бандда талаб этилган бошқа хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) тавсифини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ЛСХТБ бошлиғи:

И.Солиев